

ШОУМУ БУМАЕВ



«Tafakkur qanoti»
Тошкент - 2018

УЎК: 821.12
ББК 84(Ў5)
Б-94

Тақризчи:
М. Қўчқорова

Шойим Бўтаев
Б-92 Шох: роман / Шойим Бўтаев. — Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2018. — 368 б.

Мазкур асар роппа-роса ўн йил муқаддам кенг китобхонлар эътиборини яшин тезлигида ўзига жалб этиб, улар ўртасида катта шов-шувга айланган эди. Муаллиф томонидан айрим тузатишлар киритилиб, таҳрирдан ўтказилган, янада мукаммаллашган ушбу нашр ҳам китоб жавонингиздан муносиб ўрин олишига ишонамиз.

УЎК: 821.12
ББК 84(Ў5)

ISBN 978-9943-513-43-3

© Шойим Бўтаев, 2018 й.
© «Tafakkur qanoti», 2018 й.

*Эгри шох, тўғри шох, аҳли турфаҳол!
ГЁТЕ. «ФАУСТ».*

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Шаҳарнинг овлоқ чеккасида мева-сабзавот базаси жойлашган эди. Бироқ, у ерни ҳаммаям билавермасди. Фақат узоқ-узоқ ўлкалардан бойлик илинжида келишган жонсарак савдогарларнинг фикр-ёди ўша базада бўлар эди.

Ҳозир ҳам база бошлиғи бўлмиш аёлнинг қораси кўриниши биланоқ икки қаватли маъмурият биносига кираверишдаги очиқ эшик ортида биқиниб турган ўрта ёшлардаги киши дарҳол қаддини тиклаб, унинг ортидан зипиллаб эргашди.

Етиб олиб, салом беришга улгурди.

Аёл уни пайқамагандек, халомини ҳам эшитмагандек, нималарнидир тушунтириб-англатмоқчи бўлаётганига эътибор ҳам бермай, иккинчи қаватга кўтарилди, ўнгга бурилди, бошқалардан ўзининг ҳашамати билан ажралиб турган кабинетининг эшигини очиб, ичкарига кириб кетди.

Унинг ортидан эргашган киши нима қиларини билмагандек, бир зум каловланиб туриб қолди.

Кейин таваккал қилиб эшик қабзасига қўл чўзди.

Аёл хонада кўринмади.

Киши яна бир қадам ичкарилашга ботиниб, чап ёнига ўтирилди-ю, бурчакда одам бўйи баравар кўзгуда солланиб, ўзи билан ўзи андармон бўлганича унинг кирганини пайқамаган ёинки савқи табиийси ила пайқаган бўлса-да, парвойига келтирмаган аёлни кўрди. У қайтиб чиқишни ҳам, тураверишни ҳам билмагандай иккиланиб қолди.

Кейин ниманидир ўйлаб олганича томоқ қирди, йўталди.

Аёл беписанд қайрилиб сўради:

— Яна нима гап?

Аёлнинг саволи оҳангидан шу нарсани пайқаса бўлардики, остонадаги киши билан у аллақачонлар орани очди

қилган, ҳозир эса... ортидан қолмай эргашиб юрганига ижирғанаётган эди, холос.

— Шартномамиз бор-ку! — деди ҳалиги киши томдан тараша тушгандек, овози оҳангидан айтаётган шартнома-сини эслашнинг ҳожати йўқлигини билдириб.

Аёлнинг чиройли текис юзида истехзоли табассум ўйнади. Қошлари чимирилди. Кўкиш кўзларининг туб-тубидан аллақандай ўт йилтираб-чақнаб ўтиб кетди.

Лариса Зиганшинанинг мана шунақа табассуми одамни тириклайин кўмади, дейишарди аёлни яқиндан билганлар.

— Нима бўпти? — деди Лариса Зиганшина бамайлихотирлик билан. — Шартномада бунақа сифатсиз, ачиб-бижғиган узум оламиз, деб келишмаганмиз.

— Олиб келганимда ҳаммаси янги узилгандай эди.

— Йўғ-э?!

— Бир ойдирки, овора қилганингиз қилган.

— Бўлди, бўлди! — Лариса Зиганшина бармоқларида ёқут кўзли узуклар тақилган қўлини кўтариб, уни тўхтатди. — Бизга олиб келган «мусор»ларингизнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Сиз, яхшиси, вин-заводга боринг.

— У ерда нима қиламан?

— Нима қилардингиз? — уни масхаралаётгандек саволга савол билан жавоб қайтарди Лариса Зиганшина. — Гап-лашинг, ялининг, ёлворинг, зора улар олишса — сиз ҳам қутуласиз, мен ҳам.

Аёл, бу сўзларни гарчи кўзгу қаршисида, лабларини бўяганича айтаётган бўлса-да, бундан кўра қилич сермаб юборгани дурустдай кўринар эди.

— Жилла қурса... йўлқиранинг ярмини кўтаринглар, — эргашиб келган киши ўз сўзининг бесамар кетишини олдиндан пайқагандек, ишончсизлик билан минғирлади.

— Қизиқ... жудаям қизи-иқ! — Лариса Зиганшина пардозини тугатиб, эргашиб келган кишига юзма-юз бўлди, ўз ҳусну жамолининг баркамоллигидан қаноат ҳосил қилгандек, қаттиқ-қаттиқ кула бошлади, кулиш асносида уни ерпарчин қилаверди. — Бир ой ўтди, «мусор»ларингиз омборимизни банд қилиб ётипти, буни ўйлаш йўқ экан-да, — аёл ҳаттоки қош қоқиб қўйгандек бўлди. — Омборнинг бир қаричи фалон пул, нарса сақлайман деганлар тўлиб-то-

шиб ётипти, сиз бўлсангиз... Йўлкира эмиш! Ҳар гал чемадон-чемадон пул бериб юборавериш, сизларни ўзимиз ёмон ўргатиб қўйганмиз. Айб ўзимизда!

Лариса Зиганшина, гап тамом, дегандай тўрдаги стол ортига ўтиб, ўз ишига машғул бўлди, аллақандай қоғозларни титкилаб, кимларгадир қўнғироқ қила бошлади.

Эргашиб келган киши ортига қайтди.

У база дарвозасидан чиқа бошлади.

Дарвоза оғзида, паст шифтли озиқ-овқат дўкони рўпарасида уч-тўрт киши — юк ташувчилар сигарет тутатиб, ўзаро нималарнидир сўзлашиб, чамаси, қандайдир режа тузиб туришарди.

Ҳозирча иш йўқ. Улар ичкарига, ўзлари учун тайёрлаб қўйилган дам олиш хоналарига киргилари келмайди. Уй-уйларига рухсат тегсаям кетишмайди.

Уларга дарвоза оғзида сигарет тутатиб туриш ёқади, шекилли. Бу совуқда фақат сигарет тутатишнинг ўзи бўлганида унчалик ёқмасдику-я! Мазахўрак бўлиб қолишган.

Улар ўзларини кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олиб туришади-да, омбордан ишини дўндириб чиқаётган бирорта ишбилармоннинг йўлини дарров тўсишади, у деб-бу деб, хуллас, ичкиликка пул ундиришади. Пул қўлга тегди-ми, тамом, пул берган одам ҳам унутилади. Кашандалардан бирови шу заҳотиёқ магазинга чопади. Қайтиб чиққунича шериклари ҳам қараб туришмайди — ичкиликнинг кўрини кўпайтириш пайдан бўлишади.

Улар шундан сўнг ҳар хил темир-терсақлар уюлиб ётган бирор бурчакка танда қўйишади-да, ошиқмай шишаларни қоқлай бошлашади. Ва аксарият ҳолларда ўзлариям ана шу темир-терсақлар орасида қолиб кетишади.

Ҳозир улар Лариса Зиганшинанинг ҳузуридан ҳафсаласи пир бўлганича қайтиб чиққан узумчи ишбилармонни кўриб қолишди-ю, ораларида ўзларигагина сезиларли бўлган парокандалик, ғивирлаш бошланди.

Кашандаларнинг узумчидан умидлари, тўғрироғи, таъмалари катта эди, буни уларнинг юз-кўзларидаги ифодалар алайно ошкор билдириб турарди. Бироқ узумчининг атроф-жавонига қиё боқмай, худди оёқ остидан бирор нарса топиб оладигандай ерга қараб кетаётганидан хавотир-тахликага тушишди.

— Ҳамшаҳар, чекишдан борми? — деб сўради биттаси шартта.

Ишбилармон йўқ, маъносида кифт қисиб, яна ўз йўлида эди, сигарет сўраганнинг тоқати тоқ бўлиб, очигига кўчиб қўя қолди:

— Яримтага чўзмайсанми?

Бу сурбетлик омади юрмай турган ишбилармонга, ал-батта, ёқмади. Бир оз талмовсираниб турди-да, ўзича нималарнидир ғўлдираб, йўлида кетаверди.

— Ҳэ, онангни! — сўкинди унинг ортидан кашандалардан бири, ўтказиб қўйган жойи бордек.

Бошқаси:

— Қурумсоқ бой, — деди аламзадалиқ билан.

— Пулни гўрингга опкетасанми, — дея, унинг чўнтагига кириб чиққандек мулоҳаза юритди яна бирови.

Шаънига яна қанақа шоён-ношоён сўзлар айтилганини ишбилармон эшитмади: чунки, ўз ўй-хаёллари билан қаттиқ банд эди.

Бу база жудаям катта майдонни, беда экилса ўртача бир ферманинг қора молини бир қиш бемалол боқса бўладиган беда чиқадиған, тариқ экилиб чумчуқдан яхши қўриқланса бир дунё ҳосил олса бўладиган ерни эгалаб ётган жой.

Аслида беда эккан маъқул. Тариқни чумчуқдан сақлаб қолиш барибир қийин кечади. Астойдил оч қолса, чумчуқ ҳам бир офат-да, офатки, қўйиб берсангиз тоғ-тошниям кемириб ташлайди. Яна ким билсин, айримлар дуоси бор дейишади, ана шу дуони ўқиб уруғ сочилса, чумчуқ тугул чивин ҳам йўламасмиш.

Қобил бобо айтадики, ерни ҳайф қилиб беда-ю тариққа бало борми, менга қолса, кузда ерни ағдариб, яхшилаб ўғитлаб, баҳорга чиққач картишка экардим, картишка молнинг ёки парранданинг эмас, одамнинг емиши, дейди.

Қобил бобо ер ҳақида шунча гапларни билгани билан, пешонасига шапалоқдек ер битмагани қизиқ.

Базанинг жигарранг темир дарвозасидан киришингиз биланоқ ўнг томонда озиқ-овқат, кийим-кечак сотадиган дўконга кўзингиз тушади. Кашандалар ҳам «йўлтўсарлик» қилиб ундирган пулларига ана шу дўкондан ароқ-вино олишади.

Дўкончи қизни Надя дейишади.

У ҳамиша бирон нарсани ўрайдими, тарозида тортадими, қирқадами — ишқилиб, нимаики иш қилмасин, шу қадар ошиқадики, сергак турилмаса хариднинг тенг ярмини уриб қолишиям ҳеч гапмас. Ҳисоб-китобни дўкондан чиқмай пухталаган маъқул, йўқса, ўла қолсам у ўз айбини тан олмайди, аксинча харидорни тухматчига чиқариб, шаънига талай ҳақоратларни ёғдиришиям эҳтимолдан узоқ эмас.

Унинг сариқ сочларигаям, ақиқ лабларигаям, беозордай кўринган кўк кўзларигаям, кулча юзигаям сира-сира ишонмаган маъқул.

Ўзи кўзга чиройли кўринадиган ҳар бир нарсанинг ортида шайтони лаин ин қурган бўлади, дейишади алломалар.

Сўл томонда алақандай симлар ўралган катта-катта темир, ёғоч ғалтаклар, темир-терсақлар, қутилар сочилиб ётибди.

Тўғрига юрилса темир из бор. Юк вагонларини ана шу издан суриб келишади. Келтирилган юк платформадан тўғри омборларга ташилаверади. Ана шунақа пайтларда базада иш қайнайди.

Омборларнинг баланд-баланд ёғоч дарвозалари очилганида жаҳаннамнинг оғзидай таассурот қолдиради. Уч-тўртта вагонни назар-писанд қилмайди, қанча бўлса шунча ютаман дейди.

Базанинг биқинидаги иссиққина уйчада омборчи ва сифат текширувчи икки аёл чой ичиб ўтиришибди. Ўқтин-ўқтин ҳаммаёқ тинчмикан, дегандай дераза орқали ташқарига назар ташлашади. Ҳар хил гаплардан гапиришиб, ўзларини зериктирмасликка уринишади. Ҳозир ҳам директор олдидан тарвузи қўлтиғидан тушиб чиққан узумчи ишбилармоннинг гийбатини қилишаётган эди.

— Яна Лариса Зиганшинанинг олдига кепти-да, — деди ёстиқдай юзи шишиб, кўзини қисиб бораётган омборчи аёл пиёласига кетма-кет икки қошиқ олча мураббосини соларкан.

— Олдига келгани билан фойдаси йўқ, — бош чайқади семиришдан ўзини сақлаган иккинчи аёл.

— Шунақа экан унинг юкини қабул қилмаслик керак эди-да, — омборчи аёл ўйлаб туриб, пиёласига яна бир қошиқ мураббо солди.

— Мана кўрасиз, бир тийинсиз юртига жўнатишади, — деди ҳамма нарсани билиб юрувчи озгин аёл.

— Бугун кассир Ҳотамнинг пулини йиғиб бўпти, — деди униси.

— Ҳотам кетарканми?

— Мураббони жуда яхши тайёрлар экансиз, — деди оғ-зига ёқиб қолган мураббодан пиёласига солаётиб омборчи аёл. — Мен ҳеч вақт шунақа тайёрлай олмайман. Надянинг тут шиннисиниям татиб кўрувдим, бундай мазали эмасди. Олчалар худди дарахт шохидагидай бутун-бутун, диркиллаб турганини қаранг-а!

— Буни ўзим тайёрлаганим йўқ, дўкондан сотиб олиб эдим.

— Шунақами? Дўкондаям сифатли нарса бўларкан-да? Бир куни мен дўкондан уч литрлик узум шарбати сотиб олувдим...

— Ҳотам кетарканми? — сабри чидамай унинг сўзини бўлди шериги.

— Ким билсин, кетадими-кетмайдими? — омборчи аёл мураббо-ю шарбатлар ҳақидаги гапини давом эттираёт-гандек, суҳбатнинг бу ёғини ҳам бамайлихотирлик билан улаб юборди. — Ишқилиб пулини йиғаётган экан-да! Лариса Зиганшина бояги одамни қанчалик хушламаса, Ҳотамни шунчалик яхши кўради. Аслида уларнинг ҳар иккисиям бир юртнинг одамлари эмиш.

— Ҳа-ҳа, Ҳотам ҳам бир юртданмиз девди, — сифат текширувчи аёл яна негадир хўрсиниб қўйди.

Бу пайтда омади чопмаган ишбилармон дарвозадан эсон-омон ташқарига чиқиб улгурганди.

У ташқарига чиқишга чиқиб олди-ю, энди қайси томонга йўл олсам экан, дегандек ҳардамхаёллик билан уёқ-буёққа аланглади.

Шу чоқ унинг рўпарасига бир такси келиб тўхтади.

Таксидан сурранг калта чарм курткали қоп-қора бир йигит чаққонлик билан тушди, ҳайдовчини рози қилиб юборгач, узумчи ишбилармонга тўқнашди.

— Э, ассалому алайкум, Аҳмад ака, — курткали йигит туйқусдан узоқ вақт кўришмаган акасини кўриб қолган-дай, иккала қўлиниям кўришиш учун узатди. — Чарчамай, зерикмай юриспсизми? Кўринмай кетдингиз-ку?

— Юришмиз-да, Ҳотамбой, — деди узумчи ишбилармон сир бой бермасликка уриниб, лекин, қанчалик уринмасин томоғига нимадир тиқилиб, кўзларида ғилт-ғилт ёш томчилари пайдо бўлди.

Ҳотам деганлари унинг аҳволини беш қўлдай билиб, бундан ҳатто ич-ичида суюниб юрган бўлса-да, сиртига чиқармай ўсмоқчилади:

— Нима гап ўзи, Аҳмад ака, тинчликми?

— Бу қанжиқ мени ёмон боплаб туширди, — деди узумчи ишбилармон очиқ-ойдин тан олиб.

У шу чоққача отдан тушсаям эгардан тушгиси келмай, Ҳотам билан маслаҳатлашгани бўйни ёр бермай юарди.

Ҳотам ноилож қолгандай бош чайқади:

— Яхши бўлмапти.

Улар бир зум жимиб қолишди.

Ҳотам ҳамюртига ёрдам бериш учун жиддий ўйга толди ва тўсатдан ёдига нимадир тушгандек бўлди:

— Айтмоқчи, Лариса Зиганшина ўз жойидами?

— Ўтирипти, — узумчи ишбилармон Лариса Зиганшина-ни орқаваротдан болохонадор қилиб сўкмоқчи эди, Ҳотам билан унинг орасидан қил ўтмаслигини эслаб, тилини тийди.

«Бу йигит у жодугар хотиннинг кўнглини қандай топдийкин?» Илгарилари ҳам бундай ўй унинг калласига келган, сабабини сўрашга эса орланиб юарди. У, ҳозир оғзидан чиқиб кетганини ўзи ҳам пайқамай қолди:

— Аммо-лекин, тозаям кўнглини топгансиз-да!

Ҳотам камтарона илжайди:

— Қўйсангиз-чи!

— Билиб-сезиб юрибман, — деди узумчи ҳасадини яширолмай. — Хафа бўлманг-у, олиб келган олмаларингизнинг ҳам унчалик мазаси йўқ эди.

— Олмада витамин кўп бўлади, буни бизга қараганда ўрслар яхши билишади, — деди тоғдан келган Ҳотам.

— Витаминниям витамини бор, — томоғини чапиллатди Аҳмад ака. — Ё пора бердингизми?

— Йўғ-э?!

— Айёрлик қилманг!

Ҳотам қанчалик айёр, ўз ишига пишиқ-пухта бўлмасин — у ҳам хом сут эмган банда — айниқса, орти билан ўтириб қолган ҳамюртининг олдида мақтангиси келар эди.

Ҳотам эҳтиёткорликни бир лаҳза унутиб, шундай бир гап айтдики, кўхна дунё пайдо бўлиб, турфа шаклларда эврилибди ҳамки, бунақасини биров эшитмаган эди. Турли-туман қиёфалардаги миллиардлаб одамлар юзлаб тилларда, лаҳжаларда бир-бирларига ғужурлашиб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган қанчадан-қанча ғайройиботлару ажойиботларни айтиб-суйласалар-да, бу гап ҳеч кимнинг оғзидан чиқмаган эди. Бу ёруғ оламда эҳтиёжманд кимсалар иш битиришининг минглаб, милёнлаб турлари, усуллари бўлса бордир, яна қанчадан-қанчаси ҳар дақиқада кашф қилинаётган бўлса қилинаётгандир, аммо, барибир, бунақасини ўша минглаб, милёнлабининг орасида ҳам, янги кашф этилаётганлари ичида ҳам учратиб бўлмас эди.

— Ҳаммасига шох сабабчи, — деб юборди у. Айтишга дангал айтди-ю, аммо бундай қилиш керак эмаслиги калласига чақмоқдек урилиб, дарҳол тилини тийди.

Бироқ, ўқ отилган эди.

Ҳотамни ташвишга солгани бу гапнинг Лариса Зиганшинани қулоғига етиб бориши эди.

Унинг қулоғига етгудай бўлса... узумчи ишбилармоннинг аҳволи Ҳотамникининг олдида ҳолва бўлиб қолади.

Ахир бу — Ҳотам билан Лариса Зиганшинагагина маълум бўлган маҳрамона бир сир эди-да!

Бу дунёда ҳар бир хавотирнинг хотиржамлиги, таҳликанинг тинчлиги ўзи билан ёнма-ён юрадики, мана шу мувозанат бузилса, ҳаёт издан чиқиб кетадигандай кўринади.

Узумчи ишбилармоннинг овсарлиги ҳақиқатдан ҳам йўқ эмасди.

Айни дамда у ўзини эшитмасликка олиб, масаланинг моҳиятига етишни секин дилига тукканида эди, кейинчалик баъзи бир муваффақиятларга эришиши эҳтимолдан узоқ бўлмасди.

Унинг ҳовлиқмалиги бу сафар ҳам панд берди.

У ҳамма нарсени тез билиб олгиси келарди-ю ҳеч вақон билолмасди, зоҳирий жиҳатларнинг ўзи билангина кифояланиб қолаверарди.

Астойдил ажабланганини алайно-ошкор кўрсатиб, қайталаб сўради:

— Шох дейсизми? Қанақа шох?!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4483> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4483> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4483>